



2013 у.г. "13" апрел

№ 354-К

Самарқанд т-р Самарқанд

Фуқаро Қурбонова Розияга "Улуғбек" қишлоқ фуқаролар йиғини "Янгиарик" маҳалласи ҳудудидаги мавжуд автобус бекатини қайта савдо дўкони билан қуришга рухсат бериш тўғрисида"

"Улуғбек" қишлоқ фуқаролар йиғини "Янгиарик" маҳалласида яшовчи фуқаро Қурбонова Розия туман ҳоқими номига ариза билан мурожаат қилиб, "Янгиарик" маҳалласида жойлашган мавжуд автобус бекатини савдо дўкони билан қайта қуришга рухсат беришни сўраган.

Оқоридагиларни, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кумитасининг давлат экологик экспертизаси ҳулосаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли "Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарозлик кодекси"нинг 20 моддасига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. "Улуғбек" қишлоқ фуқаролар йиғини "Янгиарик" маҳалласида яшовчи фуқаро Қурбонова Розияга "Янгиарик" маҳалласидаги мавжуд автобус бекатини қайта қуриш учун 30 м.кв(шундан $3 \times 4 = 12$ м.кв савдо дукони, $3 \times 6 = 18$ м.кв кутиш айвони). қишлоқ хўжалиги фойдаланмайдиган туман захира ерлари (кўча ҳимоя ҳудуди) ҳисобидан ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Қурбонова Розига автобус бекати ва савдо дўконини қайта қуришдан олдин лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб тегишли ташкилотлар ва туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси билан келишилган ҳолда қуриш юклатилсин.
3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳоқимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳоқими

Б.Садуллаев